йўллар ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга ошириш;	йўллар ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга ошириш;
белгиланган паспорт тизими қоидаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидаларига чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;	белгиланган паспорт тизими қоидаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидаларига чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
паспорт режими қоидаларига, шунингдек бажарилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш амалга оширилаётганда фуқароларнинг турар жойларига ва бошқа биноларига уларнинг розилиги билан соат 6-00 дан соат 22-00 гача кириш;	паспорт режими қоидаларига, шунингдек бажарилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш амалга оширилаётганда фуқароларнинг турар жойларига ва бошқа биноларига уларнинг розилиги билан соат 6-00 дан соат 22-00 гача кириш;
жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;	жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;
жамоат жойларида алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг	жамоат жойларида алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш; фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш; лицензия ва рухсат этиш талаблари ҳамда шартлари бузилганлиги фуқаровий ва хизмат қуролининг, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, гиёҳвандлик воситаларининг, уларнинг аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, алюминий кукунлари ва қурумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини юзага келтирган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, алюминий кукунлари ҳамда қурумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш; ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган фуқаровий ва хизмат қуролини,	реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш; фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш; лицензия ва рухсат этиш талаблари ҳамда шартлари бузилганлиги фуқаровий ва хизмат қуролининг, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, гиёҳвандлик воситаларининг, уларнинг аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, алюминий кукунлари ва қурумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини юзага келтирган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, алюминий кукунлари ҳамда қурумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш; ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган фуқаровий ва хизмат қуролини,

унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни, алюминий кукунлари ва қурумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриш;	унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни, алюминий кукунлари ва қурумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриш; **қўриқланиши лозим бўлган давлат объектларини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, савдо, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар объектларни ҳамда қурилиш объектларини улар билан тузилган шартномалар асосида қўриқлаш**;
тегишли ташкилотларда объектнинг ички режимга ва рухсатнома билан кириш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, бундан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган объектлари мустасно;	**идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларида ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш,** тегишли ташкилотларда объектнинг ички режимга ва рухсатнома билан кириш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, бундан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган объектлари мустасно;
лицензиялашни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга ошириш, қонунчиликка мувофиқ лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига доир текширувлар ўтказиш;	лицензиялашни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга ошириш, қонунчиликка мувофиқ лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига доир текширувлар ўтказиш;
Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат органлари ҳамда	Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
	норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, қонунчиликни ички ишлар органларининг ваколатларига

бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, қонунчиликни ички ишлар органларининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш. Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.	кирадиган масалалар бўйича такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш. Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида	
«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2-ИЛОВА Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари	«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2-ИЛОВА Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари

120.	Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга рухсатнома	Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

3-ИЛОВА

Ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари

15.	Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки	Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти ёки унинг бир қисми.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

120.	Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга рухсатнома	Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш.	Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги**

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

3-ИЛОВА

Ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари

15.	Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик	Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти ёки унинг бир қисми.	Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги**

	тугатганлик тўғрисида хабарнома		

	ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома		

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қўриқлаш фаолияти тўғрисида	
3-модда. Асосий тушунчалар Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик — Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардиясининг шартнома асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг**, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини қўриқлаш учун тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш — Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардиясининг ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни**, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини шартнома асосида қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий қоровуллик — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, тадбиркорлик	3-модда. Асосий тушунчалар Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик — Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг шартнома асосида давлат органларининг**, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини қўриқлаш учун тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш — Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларни**, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини шартнома асосида қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий қоровуллик — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, тадбиркорлик

субъектларининг ўз объектларини қўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган алоҳида ходими томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз объектларини қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси — идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг қўриқлаш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва амалга ошириш вазифалари ўз зиммасига юклатилган ишчиси ва хизматчиси; назорат-ўтказиш режими — қўриқланадиган объектларга (қўриқланадиган объектлардан) шахсларнинг киришини (чиқишини), транспорт воситаларининг кириб келишини (чиқиб кетишини), мол-мулк олиб кирилишини (олиб чиқилишини), ташиб кирилишини (ташиб чиқилишини) назорат қилиш тартибини таъминловчи қоидалар мажмуи; объектнинг ички режими — қўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб қоидаларига ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминловчи тадбирлар мажмуи;	субъектларининг ўз объектларини қўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган алоҳида ходими томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз объектларини қўриқлаш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси — идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг қўриқлаш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва амалга ошириш вазифалари ўз зиммасига юклатилган ишчиси ва хизматчиси; назорат-ўтказиш режими — қўриқланадиган объектларга (қўриқланадиган объектлардан) шахсларнинг киришини (чиқишини), транспорт воситаларининг кириб келишини (чиқиб кетишини), мол-мулк олиб кирилишини (олиб чиқилишини), ташиб кирилишини (ташиб чиқилишини) назорат қилиш тартибини таъминловчи қоидалар мажмуи; объектнинг ички режими — қўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб қоидаларига ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминловчи тадбирлар мажмуи;

қўриқланадиган объект — белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг ҳудудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс; қўриқлашнинг муҳандислик воситалари — қўриқланадиган объектларни тажовузлардан механик жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қурилмалар ва иншоотлар; қўриқлашнинг техник воситалари — қўриқланадиган объектларни тажовузлардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган, мустақил вазифаларни бажарадиган, конструктив жиҳатдан якунланган қурилмалар; қўриқлаш фаолияти — қўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш бўйича фаолият.	қўриқланадиган объект — белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг ҳудудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс; қўриқлашнинг муҳандислик воситалари — қўриқланадиган объектларни тажовузлардан механик жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қурилмалар ва иншоотлар; қўриқлашнинг техник воситалари — қўриқланадиган объектларни тажовузлардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган, мустақил вазифаларни бажарадиган, конструктив жиҳатдан якунланган қурилмалар; қўриқлаш фаолияти — қўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш бўйича фаолият.
7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардияси** томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди;	7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар** вазирлиги томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди;

қўриқлашнинг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (бундан буён матнда қўриқлаш-техник хизматлар деб юритилади) кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш тартибини белгилайди; Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардияси** томонидан қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият устидан назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан якка тартибда фойдаланиладиган қўриқлашнинг техник воситалари (автотранспорт воситаларини олиб қочишга қарши қўриқлашнинг техник воситалари ва бошқалар) устидан назорат қилиш мустасно; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлашни, идоравий қоровулликни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг рўйхатини, шунингдек идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан шахсий кўрикдан ўтказишни, ашёларни, қўл юкини, багажни, транспорт воситаларини кўздан кечиришни амалга ошириш қоидаларини белгилайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхатини тасдиқлайди;	қўриқлашнинг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (бундан буён матнда қўриқлаш-техник хизматлар деб юритилади) кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш тартибини белгилайди; Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар** вазирлиги томонидан қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият устидан назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан якка тартибда фойдаланиладиган қўриқлашнинг техник воситалари (автотранспорт воситаларини олиб қочишга қарши қўриқлашнинг техник воситалари ва бошқалар) устидан назорат қилиш мустасно; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлашни, идоравий қоровулликни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг рўйхатини, шунингдек идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан шахсий кўрикдан ўтказишни, ашёларни, қўл юкини, багажни, транспорт воситаларини кўздан кечиришни амалга ошириш қоидаларини белгилайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхатини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланиладиган хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг турлари, хиллари, моделларини, таъминот нормаларини, шунингдек идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига фойдаланиш учун рухсат этилган махсус воситалар рўйхатини белгилайди; Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хавфли юкларни ташиш жараёнида уларни қўриқлаш қоидаларини тасдиқлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.	идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланиладиган хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг турлари, хиллари, моделларини, таъминот нормаларини, шунингдек идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига фойдаланиш учун рухсат этилган махсус воситалар рўйхатини белгилайди; Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хавфли юкларни ташиш жараёнида уларни қўриқлаш қоидаларини тасдиқлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.
	7[1]-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:** **қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;** **қўриқланиши лозим бўлган давлат объектлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, шунингдек савдо, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар, қурилиш объектларида ва бошқа объектларда Ўзбекистон Республикаси Ички**

	ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш тартибини тасдиқлайди ҳамда қўриқлаш фаолиятини амалга оширади; **қўриқлаш воситаларининг ва тизимларининг қўлланилиши соҳасида ягона техник сиёсат юритилишини, улардан фойдаланилиши устидан самарали назоратни, шунингдек қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг миқёсда жорий этилишини таъминлайди;** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг формали кийим-боши ҳамда фарқловчи белгилари намуналарини тасдиқлайди;** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;** **саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан қўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда қўриқлаш хизматларини, шунингдек қўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади;** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларини белгилайди;**

	Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатномалар беради; **қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;** **қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;** **ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширади;** **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланилишига рухсат этилган махсус воситаларни олиш, транспортда ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш қоидаларини тасдиқлайди;** **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;** **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади;** **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари**

	ишчилари ва хизматчиларининг бошланғич тайёргарлигини ҳамда уларнинг малакаси оширилишини шартнома асосида таъминлайди; **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти ташкил этилишини назорат қилади, шунингдек давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ушбу бўлинмалар томонидан қўриқланадиган объектларида қўриқланиш, назорат-ўтказиш режими, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик ҳолатини текширади (икки йилда бир марта);** **идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилайди;** **қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;** **қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.**
8-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси: қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;	8-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси: қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шунингдек хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни амалга оширади; қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсат юритилишини, улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни, шунингдек қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг миқёсда жорий этилишини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг формали кийим-боши ва фарқловчи белгилари намуналарини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди; саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан қўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда қўриқлаш хизматларини, шунингдек қўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талабларини, тартибини ҳамда шартларини белгилайди;	давлат объектларини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шунингдек хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни амалга оширади; қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;** **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмаларига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларини белгилайди;** **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмаларига қўриқлаш учун топширилган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;** **қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;** **қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатномалар беради; қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади; қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди; ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширади; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланилишига рухсат этилган махсус воситаларни олиш, транспортда ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш қоидаларини тасдиқлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг бошланғич тайёргарлигини ҳамда	

уларнинг малакаси оширилишини шартнома асосида таъминлайди; идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти ташкил этилишини назорат қилади, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ушбу бўлинмалар томонидан қўриқланадиган объектларида қўриқланиш, назорат-ўтказиш режими, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик ҳолатини текширади (икки йилда бир марта); идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилайди; қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади; қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.	
11-модда. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядлари томонидан хизматнинг ўталишини ташкил этиш ва хизматнинг ўталиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари устави асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардияси** билан келишилган, ўз тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда	11-модда. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядлари томонидан хизматнинг ўталишини ташкил этиш ва хизматнинг ўталиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари устави асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги** билан келишилган, ўз тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда

бошқа ташкилотлар тасдиқлаган қоидаларга мувофиқ белгиланади. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардияси** билан келишувга кўра ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган, тегишли фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб юриш ҳуқуқига эга. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига белгиланган тартибда хизмат гувоҳномалари берилади. Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардиясининг** идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.	бошқа ташкилотлар тасдиқлаган қоидаларга мувофиқ белгиланади. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар** вазирлиги билан келишувга кўра ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган, тегишли фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб юриш ҳуқуқига эга. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига белгиланган тартибда хизмат гувоҳномалари берилади. Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар** вазирлигининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
12-модда. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг хизматни ўташи тартиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат	12-модда. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг хизматни ўташи тартиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат

ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларнинг идоравий ҳужжатларида белгиланади. Идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядларининг иш вақти ва сменаси давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда жорий этилган махсус формали кийим-бошга, фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси **Миллий гвардиясининг** идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.	ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларнинг идоравий ҳужжатларида белгиланади. Идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядларининг иш вақти ва сменаси давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда жорий этилган махсус формали кийим-бошга, фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар** вазирлигининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
13-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектлар Қуйидагилар шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда, **шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича;** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мажбурий қўриқланиши лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, шунингдек транспортда ташиладиган махсус юкларни қўриқлаш бўйича;	13-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектлар Қуйидагилар шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мажбурий қўриқланиши лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, шунингдек транспортда ташиладиган махсус юкларни қўриқлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги — қонунчиликда белгиланадиган транспортда ташиладиган юкларни ва бошқа объектларни қўриқлаш бўйича.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги — **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда,** қонунчиликда белгиланадиган транспортда ташиладиган юкларни ва бошқа объектларни қўриқлаш, **шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари** бўйича.
21-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчиларини, ходимларини, ишчилари ва хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қуйидаги тартибда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш ўқув курсларида ўқувдан ўтади: давлат органлари қўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари — тегишли органлар томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари — шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг таълим муассасаларида ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа таълим ташкилотларида; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари — мустақил равишда ўз бўлинмаларида, шунингдек ихтиёрий	21-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчиларини, ходимларини, ишчилари ва хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қуйидаги тартибда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш ўқув курсларида ўқувдан ўтади: давлат органлари қўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари — тегишли органлар томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари — шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг ва** Миллий гвардиясининг таълим муассасаларида ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа таълим ташкилотларида; хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари —

тартибда — шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таълим муассасаларининг ўқув курсларида.	мустақил равишда ўз бўлинмаларида, шунингдек ихтиёрий тартибда — шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги ва** Миллий гвардияси таълим муассасаларининг ўқув курсларида.
29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш Ўзбекистон **Республикаси Миллий гвардияси** ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.	29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш Ўзбекистон **Республикаси Ички ишлар вазирлиги** ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.